



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ






# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

- 1** Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
- 2** Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- 3** Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш;
- 4** Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;
- 5** Маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш;
- 6** Умумбашарий муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ечим топиш;
- 7** Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб бориш.





“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

1  
ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН  
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ  
ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 1 ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ

### 1-мақсад:



Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш.

### 2-мақсад:



Халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш.

### 3-мақсад:



Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш.

### 4-мақсад:



Давлат бошқаруви органлари фаолиятини **“фуқарога хизмат қилишга йўналтириш”** тамойили асосида трансформация қилиш.

### 5-мақсад:



Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш.

### 6-мақсад:



Давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштириш.





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 1 ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ

### 7-мақсад:



Мамлакатимиздаги ислохотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш.

### 8-мақсад:



Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш.

### 9-мақсад:



“Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини **100 фоизга** етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш.

### 10-мақсад:



Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш.

### 11-мақсад:



Халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини такомиллаштириш.

### 12-мақсад:



Таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.





# 2022-2026 ЙИЛЛАРДА КЎЗДА ТУТИЛАЁТГАН АСОСИЙ ИСЛОҲОТЛАР



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 1 ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ

- а) халқ билан мулоқотнинг механизмлари ва таъсирчан жамоатчилик назоратининг асосларини такомиллаштириш, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва бошқа ҳудудий дастурлар очиқ эълон қилиниб, кенг жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқиладиган тизимни яратиш;
- б) маҳалланинг “фаол модели”ни жорий этиш, уни аҳолининг муаммоларини бевосита ҳал қилиш ҳамда ҳудудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш;
- в) “Электрон парламент” доирасида депутатларни ўз сайловчилари билан, сенаторларни ҳудудлардаги фуқаролар билан боғлаш, улар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш, сайловчиларни қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш жараёнини рақамлаштириш;
- г) халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва назорат қилишдаги асосий бўғинга айлантириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг асосларини янгилаш;
- д) давлат органлари фаолиятини “фуқарога хизмат қилишга йўналтириш” ғояси асосида трансформация қилиш, улар томонидан марказий тузилма ва ҳудудлар кесимида “маҳаллабай” ишлашга қаратилган йиллик дастурларни эълон қилиш ва муҳокама қилиш тартибини жорий этиш;
- е) ихчам, профессионал, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий этиш, давлат хизматини замонавий стандартлар асосида ташкил қилиш ва бюрократияни бартараф этиш;
- ж) “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини амалдаги 54 фоиздан 100 фоизга етказиш, давлат хизматлари қамровини ошириш.





“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

# МАМЛАКАТИМИЗДА АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ЗАРУР ШАРТИГА АЙЛАНТИРИШ





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 2 МАМЛАКАТИМИЗДА АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ЗАРУР ШАРТИГА АЙЛАНТИРИШ

### 13-мақсад:



Мулкий ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш.

### 14-мақсад:



Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш.

### 15-мақсад:



Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш.

### 16-мақсад:



Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш.





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 2 МАМЛАКАТИМИЗДА АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ЗАРУР ШАРТИГА АЙЛАНТИРИШ

### 17-мақсаг:



Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилишга йўналтириш.

### 18-мақсаг:



Суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминлаш.

### 19-мақсаг:



Адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш.

### 20-мақсаг:



Фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва итоат қилиш ҳиссини шакллантириш.



# 2022-2026 йилларда кўзда тутилаётган асосий ислохотлар



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 2 МАМЛАКАТИМИЗДА АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ЗАРУР ШАРТИГА АЙЛАНТИРИШ

- а) **мулк ҳуқуқи дахлсизлигини** ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш ва қарор (ҳаракат) ноқонуний эмаслигини судда исботлаш мажбуриятини мансабдор шахнинг ўзига юклаш (“айбдорлик презумпцияси”);
- б) фуқароларни **яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш (“прописка”)** тизимини янада соддалаштириш ва аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, текшириш учун фуқарони ички ишлар бўлимига олиб бориш ўрнига **барча маълумотларни жойида текшириш** тартибини жорий этиш;
- в) **жиноят қонунчилигини либераллаштириш сиёсатини изчил** давом эттириш, жазони ўтаб бўлганларни жамиятга реинтеграци қилиш ва уларга тадбиркорлик лойиҳасини амалга ошириш учун **“дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”**ни бериш тизимини жорий этиш;
- г) **маъмурий адлияни** ривожлантириш орқали, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти **устидан самарали суд назоратини ўрнатиш**;
- д) йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали, **йўлларда ўлим ҳолатларини кескин қисқартириш бўйича дастур** қабул қилиш;
- е) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг **янги қиёфасини шакллантириш**, уларнинг фаолиятини халқ манфаатларига хизмат қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга йўналтириш;
- ж) **адвокатура институтининг** инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда салоҳиятини **тубдан ошириш**, унинг институционал мустақиллигини таъминлаш.





“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

# МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪМИНЛАШ





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 3

### МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪМИНЛАШ

**21-мақсад:**



Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни – **1,6 баравар** ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни **4 минг АҚШ** долларидан ошириш ҳамда **“даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар”** қаторига кириш учун замин яратиш.

**22-мақсад:**



Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини **1,4 бараварга** ошириш.

**23-мақсад:**



Геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш.

**24-мақсад:**



Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда **“Яшил иқтисодиёт”** технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини **20 фоизга** ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини **10 фоизга** қисқартириш.



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ




“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 3

### МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪМИНЛАШ

**25-мақсад:**



Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида **2,5 баравар** оширишга қаратилган ишларни олиб бориш. Дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини **5 марта**, уларнинг экспорти эса **10 марта** ошириб, **500 млн.** долларга етказиш.

**26-мақсад:**



Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда **120 миллиард** доллар, жумладан **70 миллиард** доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш.

**27-мақсад:**



Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори ҳажмини **200 млн. доллардан 7 миллиард долларга** етказиш.

**28-мақсад:**



Республика экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини **30 миллиард** долларга етказиш.



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 3

### МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪМИНЛАШ

**29-мақсад:**



Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитларни яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини **80 фоизга** ва экспортдаги улушини **60 фоизга** етказиш, мамлакатда 2026 йил якунига қадар ишсизлик даражасини камида **2 баравар** қисқартириш.

**30-мақсад:**



Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида **2 баравар** ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида **5 фоизга** етказиш.

**31-мақсад:**



Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

**32-мақсад:**



Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажминини **1,5-2 марта** кўпайтириш.





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 3

### МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪМИНЛАШ

**33-мақсад:**



Худудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни **1,4-1,6** бараварга ошириш.

**34-мақсад:**



Худудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш

**35-мақсад:**



“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини **12 млн.** нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини **9 млн.** нафарга етказиш.

**36-мақсад:**



Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари бўйича узоғи билан **6-7 соатда** манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш





# 2022-2026 йилларда кўзда тутилаётган асосий ислоҳотлар



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 3

### МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, УНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪМИНЛАШ

- а)** аҳоли жон бошига тўғри келадиган **ялпи ички маҳсулотни – 1,6 баравар** ҳамда **саноат маҳсулотлари** ишлаб чиқариш ҳажмини **1,4 баравар** кўпайтириш;
- б)** банк тизимида хусусий сектор улушини амалдаги **18 фоиздан 60 фоизгача** ошириш ҳамда **фонд бозори** ҳажмини **7 млрд долларга** етказиш;
- в)** қўшилган қиймат солиғини амалдаги **15 фоиздан 12 фоизгача**, телекоммуникация, банк ва молия каби соҳаларда фойда солиғини амалдаги **20 фоиздан 15 фоизгача** тушириш;
- г)** иқтисодиётнинг **энергия самарадорлигини 20 фоизга** ошириш ва ҳавога чиқариладиган **зарарли газлар ҳажмини 10 фоизга** қисқартириш;
- д)** **рақамли иқтисодиёт** ҳажмини **2,5 баравар** кўпайтириб, дастурий маҳсулотлар индустрияси ҳажмини **500 млн. долларга** етказиш;
- е)** иқтисодиётга **120 млрд**, шу жумладан **70 млрд** доллар миқдорида хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспорт ҳажмини **30 млрд долларга** етказиш;
- ж)** деҳқон ва **фермерлар даромадини** камида **2 баравар** ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида **5 фоизга** етказиш;
- з)** сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва **сувни тежаш** бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш, ҳар йили камида **7 млрд м3 сувни тежаш**;
- и)** **чорвачилик озуқа базасини** кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини **1,5-2 баравар** кўпайтириш;
- к)** **мева-сабзавотчиликни ривожлантириш**, интенсив боғлар майдонини **3 баравар** ва иссиқхоналарни **2 баравар** кўпайтириб, экспорт салоҳиятини **1 млрд долларга** ошириш;
- л)** шароити **“оғир” бўлган 14 та туманларда** тадбиркорликни ривожлантириш учун **пасайтирилган солиқ ставкаларини ўрнатиш**;
- м)** “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида **маҳаллий сайёҳлар** сонини **12 млн** нафардан ошириш ҳамда **хорижий туристлар** сонини **9 млн** нафарга етказиш.







“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

# АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЮРИТИШ, ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 4

### АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЮРИТИШ, ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**37-мақсад:**



Ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-ҳунарга ўқиш имкониятини яратиш. Касбга ўқитиш кўламини **2 баравар** ошириб, жами **1 миллион** нафар ишсиз фуқарони касб-ҳунарларга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини **30 фоизга** етказиш.

**38-мақсад:**



Мактабгача таълимдаги қамров даражасини ошириш ҳозирги **62 фоиздан** камида **80 фоизга** етказиш.

**39-мақсад:**



Мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш.

**40-мақсад:**



Мактабгача таълим тизимида қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш.

**41-мақсад:**



Мактабларни ривожлантириш Миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча **1,2 миллион** ўқувчи ўрни яратиш.

**42-мақсад:**



2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалда жорий этиш.

**43-мақсад:**



Ўқитувчилар ойлик маошларини босқичма-босқич **1 000 АҚШ доллари** эквивалентига етказиш.





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 4

### АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЮРИТИШ, ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

44-мақсад:



Мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш.

45-мақсад:



Бошланғич синф ўқувчиларини bepул овқат билан таъминлаш.

46-мақсад:



Олий таълимга қамров даражасини **50 фоизга** етказиш ва таълим сифатини ошириш.

47-мақсад:



2026 йилга қадар **10 та** салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш.

48-мақсад:



Қарийб **100 минг ўринли** талабалар турар жойларини барпо этиш.

49-мақсад:



2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сонини камида **50 тага**, жами олий таълим муассасалари сонини **200 тага** етказиш.

50-мақсад:



“Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш кўламини **2 бараварга** ошириш.

51-мақсад:



Иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш.





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 4

### АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЮРИТИШ, ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**52-мақсаг:**



Глобал инновацион индексида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ва 2030 йилга қадар рейтингнинг **топ-50** мамлакатлари қаторига кириш.

**53-мақсаг:**



Аҳоли учун мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.

**54-мақсаг:**



Кўрсатилаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика ҳудудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш.

**55-мақсаг:**



Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва тиббий хизматларни марказлаштириш.

**56-мақсаг:**



Тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

**57-мақсаг:**



Дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш.





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 4

### АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЮРИТИШ, ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

58-мақсад:



Тиббиётнинг бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ажратиладиган маблағларни ошириш.

59-мақсад:



Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

60-мақсад:



Тиббий хизматлардаги хусусий секторнинг улушини **25 фоизга** етказиш.

61-мақсад:



Мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг улушини **80 фоизга** етказиш.

62-мақсад:



Санитария-эпидемиология хизматининг халқаро мақомга эга лабораторияларини ташкил этиш.

63-мақсад:



Худудларда бирламчи тиббий-санитария хизматини **“бир қадам”** тамойили асосида ташкил этиш.

64-мақсад:



Шифокорлар ойлик маошларини босқичма-босқич **1 000 АҚШ доллари** эквивалентига етказиш.

65-мақсад:



Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг сонини ошириш.

66-мақсад:



Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш.



## 2022-2026 йилларда кўзда тутилаётган асосий ислохотлар



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

### 4

#### АДОЛАТЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЮРИТИШ, ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

- а) мактабгача таълимнинг қамров даражасини 67 фоиздан 80 фоизга етказиш, нодавлат боғчаларга ва мактабларга фарзандини юбораётган ота-оналарнинг 3 млн сўмгача тўловларини даромад солиғидан озод этиш;**
- б) мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш ҳамда дарсликларни янгилаш учун Давлат бюджетидан 605 млрд сўм ажратиш;**
- в) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 1-4-синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш тизимини жорий этиш;**
- г) олий таълимга қамров даражасини амалдаги 28 фоиздан 50 фоизга етказиш ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш;**
- д) мактаб ўқувчиларининг камида бир касбни эгаллашига кўмаклашиш тизимини жорий этиш;**
- е) бюджетдан дори воситалари ва тиббий буюмларга ажратилган маблағларни 3 баравар ошириш, мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори воситалари миқдорини 80 фоизга етказиш;**
- ж) тиббий хизматлардаги хусусий секторнинг улушини 25 фоизга етказиш, “оилавий шифокор” йўналиши бўйича мустақил фаолиятни амалга оширишга рухсат бериш;**
- з) ҳудудларда бирламчи тиббий-санитария хизматининг фаолияти “бир қадам” тамойили асосида йўлга қўйилиб, 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиника ташкил этиш;**
- и) жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳолини 33 фоизга чиқариш, мамлакатимизда Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш.**





“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ, УШБУ  
СОҲАНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ЭТИШ ВА ЯНГИ БОСҚИЧГА  
ОЛИБ ЧИҚИШ





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 5

### МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ, УШБУ СОҲАНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ЭТИШ ВА ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ

**67-мақсад:**



Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган **“Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари”** ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш

**68-мақсад:**




Аҳолига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни янада ривожлантириш, китобхонликни кенг оммалаштириш ҳамда **“Китобсевар миллат”** умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш

**69-мақсад:**



Буюк аجدодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш.







# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 5

### МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ, УШБУ СОҲАНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ЭТИШ ВА ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ

**70-мақсад:**



Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш.

**71-мақсад:**



Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш, аҳолининг бадиий-эстетик дидини юксалтириш

**72-мақсад:**



Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш

**73-мақсад:**



Маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш, маданият муассасалари ва объектларининг моддий-техника базасини янада яхшилаш





# 2022-2026 йилларда кўзда тутилаётган асосий ислохотлар



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 5

### МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ, УШБУ СОҲАНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ЭТИШ ВА ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ

- а) “**Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари**” ғояси асосида **соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш**;
- б) китобхонликни кенг оммалаштириш ва **“Китобсевар миллат”** умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш;
- в) жамиятда **миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик** муҳитини мустаҳкамлаш;
- г) **Ўзбекистон тарихини ўрганиш** ва тарғиб қилишни ривожлантириш;
- д) **“Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини** амалга ошириш, шунингдек, **183 та** туман ва шаҳарларда Маънавият ва маърифат масканларини барпо этиш ва фойдаланишга топшириш;
- е) **маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш**, маданият муассасалари ва объектларининг моддий-техник базасини яхшилаш.





“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

# УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЕЧИМ ТОПИШ





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 6

### УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЕЧИМ ТОПИШ

**74-мақсад:**



Аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш.

**75-мақсад:**



Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, **“Яшил макон”** умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш.

**76-мақсад:**



Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш.

**77-мақсад:**



Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш.

**78-мақсад:**



Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 6

### УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЕЧИМ ТОПИШ

**79-мақсад:**



Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида **2 бараварга** қисқартириш.

**80-мақсад:**



Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини ҳамда самарали миграция сиёсатини юритиш.

**81-мақсад:**



“**Ватандошлар**” жамоат фонди орқали хорижий давлатлардаги юртдошларимиз билан доимий ва самарали алоқалар ўрнатиш.

**82-мақсад:**



Пандемияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш.



# 2022-2026 йилларда кўзда тутилаётган асосий ислохотлар



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 6

### УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЕЧИМ ТОПИШ

- а) халқаро майдонда атроф муҳитга оид ташаббуслар, шу жумладан **Бутунжаҳон экология хартиясини** ишлаб чиқишни илгари суриш;
- б) **Орол денгизининг тубида** қўшимча **500 минг** гектар яшил майдонларни барпо этиб, умумий ҳажмини **2,5 миллион гектарга** етказиш;
- в) **экстремизм ва терроризм**, айниқса унинг замонавий кўринишларига қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш;
- г) янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш орқали **камбағаллик ва ишсизлик даражасини камида 2 баравар қисқартириш**;
- д) **касбга ўқитиш** кўламини **2 баравар** ошириб, жами **1 миллион** ишсиз кишини касб-ҳунарларга ўқитиш ва бу жараёнда **нодавлат таълим муассасаларининг** иштирокини **30 фоизга** етказиш;
- е) **жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни** шакллантириш, давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкларини **декларация қилиш тизими** босқичма-босқич жорий этиш;
- ж) хавфсиз, тартибли ва қонуний **меҳнат миграцияси** сиёсатини олиб бориш;
- з) “Ватандошлар” жамоат фонди орқали хорижий давлатлардаги **юртдошлар билан доимий ва самарали алоқалар ўрнатиш**.



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФАА  
САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ОЧИҚ, ПРАГМАТИК  
ВА ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШ





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 7

### МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШ

**83-мақсад:**



Фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш.

**84-мақсад:**



Давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш.

**85-мақсад:**



Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтириш.

**86-мақсад:**



Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш.

**87-мақсад:**



Мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги ролини ошириш.

**88-мақсад:**



Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш.





# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ 2022–2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИХАСИ



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

## 7

### МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШ

**89-мақсад:**



Анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқаларимиз географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтириш.

**90-мақсад:**



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органлари ва институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятни кучайтириш.

**91-мақсад:**



Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан интеграция жараёнларини чуқурлаштириш.

**92-мақсад:**



Жаҳон ҳамжамияти аудиториясида мамлакатимиз имижини оширишга қаратилган ахборотлар етказиш самарадорлигини ошириш.

**93-мақсад:**



Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

**94-мақсад:**



Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистоннинг чет эллардаги фуқароларига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.



## 2022-2026 йилларда кўзда тутилаётган асосий ислоҳотлар



“TARAQQIYOT STRATEGIYASI”  
MARKAZI

# 7

### МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШ

- а) фуқароларнинг **ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги** борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш;
- б) давлатнинг **мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш** ва ҳарбий хизматчиларнинг **ижтимоий ҳимоясини кучайтириш**;
- в) **фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш** ҳамда **аҳоли саломатлиги** ва генофондига зиён етказадиган экологик муаммоларни бартараф этиш;
- г) **Марказий Осиёда** хавфсизлик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни ривожлантириш;
- д) **анъанавий ҳамкорлар билан муносабатларни** ривожлантириш, БМТ, **глобал ва минтақавий** ташкилотлардаги фаолиятни кучайтириш.

